

Сув – бебаҳо неъмат

Сувесиз нафақат фаровонликни, балки кундалик ҳаётимизни ҳам тасаввур этиши қийин.

Бугунги кунда марказлашган тизим орқали аҳолига узлуксиз ва сифатли ичимлик суви етказиш бир мунча машаққат, меҳнат ва харажатларни талаб этади.

Сувнинг бебаҳо неъмат эканлиги унинг нархи йўқ дегани эмас.

Сув ресурслари сувни ишлаб чиқариш ва марказлашган тармоқлар орқали истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида унга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда муайян нархга эга бўлади. Пировардида, ичимлик суви бошқа истеъмол қилинадиган маҳсулотлар қаторида ўзининг нархига эга бўлади, яъни иқтисодчилар таъбири билан айтганда “товар” шаклига айланади.

Ўзбекистон худудида ичимлик суви таъминотининг 65 фоизи ер ости ва 35 фоизи ер усти сув манбаларидан ишлаб чиқарилади.

Ичимлик суви истеъмоли учун тўланадиган нарх бутунги кунда тариф орқали белгиланади.

Т/Р	Худудлар номи	2019 йил август ойидан					
		Ичимлик суви			Канализация хизматлари		
		аҳоли	бюджет ташкилотлари	бошқа улгуржи истеъмолчилар	аҳоли	бюджет ташкилотлари	бошқа улгуржи истеъмолчилар
	Ўртacha тариф	796	1 739	1 854	491	980	1 000
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 000	3 300	3 300	830	2 300	2 300
2	Андижон вилояти	390	600	1 000	370	480	900
3	Бухоро вилояти	1 100	2 900	2 900	640	1 600	1 600
4	Жizzах вилояти	1 030	1 250	1 250	380	465	465
5	Қашқадарё вилояти	425	1 600	2 800	400	800	1 200
6	Навоий вилояти	1 100	3 300	3 300	1 000	2 800	2 800
7	Наманган вилояти	1 150	1 700	1 700	320	330	330
8	Самарқанд вилояти	980	2 000	2 000	550	950	950
9	Сурхондарё вилояти	620	720	720	430	430	430
10	Сирдарё вилояти	530	1 050	1 050	380	930	930
11	Тошкент вилояти	650	2 320	2 320	480	930	930
12	Фарғона вилояти	620	800	800	250	300	300
13	Хоразм вилояти	1 240	2 500	2 500	600	1 150	1 150
14	Тошкент шаҳри	310	310	310	250	250	250

Ичимлик суви ва кўрсатилаётган канализация хизматлари учун тарифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги **“Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги** қарорида қўйилган талабларга мувофиқ шакллантирилади ва тасдиқланади.

Мазкур қарорга асосан, **нархларни тартибга солувчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг топшириғи бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги,

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ҳисобланади.

Тарифларни қайта кўриб чиқиш зарурияти асосан ёқилғи-энергетика ресурслари тарифлари ошиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида" 2018 йил 30 июлдаги қарорига мувофиқ 2019 йил 15 августдан бошлаб электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, автобензин ва дизель ёқилғиси чакана нархлари оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, сув таъминоти ва канализация хизматлари харажатлари таркибида электр энергияси 34 фоизни ташкил этишини инобатга олиб, сув таъминоти ва канализация хизматлари тарифларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳисботлари ва ҳисоб-китоб материаллари Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

2019 йил август ойидан тасдиқланган тариф харажатларининг таркиби тўғрисида МАЪЛУМОТ												
№ т/р	Номланиши Худуд/корхоналар	Сув сотиш (реализация) ҳажми (минг м ³)	Жами харажатлар	Жами харажатларнинг улуши (млн. сўм)								Рента- беллик дара- жаси, %
				Ишлаб чиқариш ишличилари ва бошқарув ходимларининг иш ҳақи ҳаражатлари КҚС билан	Электро- энергия		Амартизация		Молиявий фаолият бўйича харажатлар			
	Қорақалпоғистон Республикаси											
1.	"Тумбийин-Нукус" МСҚФБ	24 717,1	54 014	18 832	34,9%	12 026	22,3%	13 790	25,5%	166	0,3%	4,6%
	Андижон вилояти											
2.	Андижон вилояти "Сувоқава" ДУК	62 936,8	34 786	15 321	44,0%	5 299	15,2%	4 698	13,5%	1 967	5,7%	4,2%
	Бухоро вилояти											
3.	Бухоро вилояти "Сувоқава" ДУК	43 156,2	51 163	15 630	30,5%	9 038	17,7%	7 368	14,4%	4 173	8,2%	5,8%
	Жizzах вилояти											
5.	Жizzах вилояти "Сувоқава" ДУК	21 096,9	28 909	8 538	29,5%	7 785	26,9%	4 878	16,9%	1 752	6,1%	7,0%
	Қашқадарё вилояти											
6.	Қашқадарё вилояти "Сувоқава" ДУК	49 503,0	33 227	7 610	22,9%	12 200	36,7%	4 949	14,9%	3 005	9,0%	5,2%
	Навоий вилояти											
7.	Навоий вилояти "Сувоқава" ДУК	14 530,1	23 280	6 097	26,2%	1 565	6,7%	8 303	35,7%	1 403	6,0%	4,6%
	Наманган вилояти											
8.	Наманган вилояти "Сувоқава" ДУК	39 953,0	51 579	15 115	29,3%	29 081	56,4%	559	1,1%		0,00%	8,9%
	Самарқанд вилояти											
9.	Самарқанд вилояти "Сувоқава" ДУК	55 984,2	62 441	9 715	15,6%	21 745	34,8%	4 463	7,1%	11 043	17,7%	3,2%
	Сурхондарё вилояти											
10.	Сурхондарё вилояти "Сувоқава" ДУК	39 533,7	33 751	14 178	42,0%	8 169	24,2%	2 963	8,8%	1 646	4,9%	6,9%
	Сирдарё вилояти											
11.	Сирдарё вилояти "Сувоқава" ДУК	35 026,7	20 004	6 169	30,8%	6 751	33,7%	2 496	12,5%	815	4,1%	3,4%
	Тошкент вилояти											
12.	Тошкент вилояти "Сувоқава" ДУК	93 977,9	103 697	27 934	26,9%	50 092	48,3%	5 378	5,2%	2 687	2,6%	1,3%
	Фарғона вилояти											
14.	Фарғона вилояти "Сувоқава" ДУК	99 265,2	63 537	17 996	28,3%	21 642	34,1%	9 611	15,1%	1 073	1,7%	4,3%
	Хоразм вилояти											
15.	"Тумбийин-Урганч" МСҚФБ ДУК	25 818,0	36 337	10 652	29,3%	8 861	24,4%	6 722	18,5%	305	0,8%	4,2%
	Тошкент шаҳар											
17.	"Сувсоз" ДУК	838 659,0	198 274	31 894	16,1%	88 814	44,8%	10 784	5,4%	11 347	5,7%	7,1%
	レスпублика бўйича ўртача:	1 560 890,8	850 797,08	222 537,44	26,2%	288 956,1	34%	91 994,2	10,8%	42 444,2	5,0%	

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан биргаликда кўриб чиқилиб, таҳлил натижалари бўйича тариф даражалари **ёқилғи-энергетика ресурслари тарифлари ўсишидан** бошқа таъсир кўрсатадиган қуидаги омиллар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, сув таъминоти ҳамда канализация хизматлари учун янги тариф даражалари шакллантирилди:

- иш ҳақи миқдори ўзгариши ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ошиши;
- асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари суммаси кўпайиши, мукаммал ва жорий таъмиглаш харажатлари ошиши;
- халқаро молия институтлари кредитларига асосий қарз ва фоиз шаклидаги харажатлар қайта кўриб чиқилиши;
- истеъмолчиларга етказиб бериладиган сув ва канализация хизматлари аниқлаштирилган ҳажмлари ва тариф даражалари таъсир этадиган бошқа омиллар.

Бугунги кунда республикада ичимлик суви учун ўртacha тарифлар аҳоли истеъмолчилари учун 796 сўм, бюджет ташкилотлари учун 1739 сўм ва бошқа улгуржи истеъмолчиларга 1854 сўм, канализация хизматлари эса ўртacha аҳоли истеъмолчилари учун 491 сўм, бюджет ташкилотлари учун 980 сўм ва бошқа улгуржи истеъмолчиларга 1000 сўм ташкил қиласди.

Шубилан биргага, ичимлик сув тарифлари хорижий давлатлар билан таққосланганда Ўзбекистонда энг арzon тариф белгиланганligини кўришимиз мумкин.

Дания	Герма-ния	Бел-гия	Голлан-дия	Норве-ния	Фран-ция	Авст-рия	Швейца-рия	Англия	Шве-ция	Финлян-дия
3,48	2,97	2,87	2,54	2,44	2,43	2,28	2,19	2,06	2,04	1,88

Порту-галия	Ита-лия	Испа-ния	Эсто-ния	Поль-ша	Вен-грия	Болга-рия	Гибрал-тар	Молда-вия	Руми-ния	Тур-кия
1,64	1,59	1,5	1,36	1,34	1,26	1,05	0,95	0,94	0,94	0,86

Рос-сия	Алба-ния	Укра-ина	Арма-нистон	Грузия	Бела-рус	Қозо-ғистон	Озарбай-жон	Кирғи-зистон	Ўзбекистон
0,52	0,47	0,35	0,27	0,27	0,27	0,21	0,21	0,09	0,08

Бугунги ривожланиш асрида коммунал соҳада хорижий тажрибаларни қўллаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, харажатларни камайтириш ҳамда тарифларни босқичмабосқич тушириш ишларини амала ошириш, ичимлик суви ва канализация хизматлари учун тариф даражаларини тўғри шакллантириш, тарифларнинг шаффоғлигини таъминлаш ҳамда жаҳон тажрибасини қўллаш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Жаҳон банки эксперталари билан биргаликда сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 13 апрелдаги Қарори билан тасдиқланди.

Мазкур қарор орқали сув таъминоти корхоналарининг тўлиқ харажатларини қоплаш назарда тутилади, шунингдек, сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш ишларини инобатга олади.

Мухтасар қилиб айтганда, ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланинг. Зеро, бу неъмат битмас-туганмас эмас. Жўмракка етиб келгунига қадар қанчадан-қанча меҳнат ва харажат сарф этилишини зинҳор ёддан чиқарманг!

**Бекзоджон ШОЙИМОВ,
Уй-жой коммунал хўжалиги маблағларини бошқариш
ва тариф сиёсати бошқармаси бошлиғи ўринбосари**